O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 5-avgust • Seshanba • 93 (27.898) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

8 август куни соат 8 дан 8 дақиқа, 8 сония ўтгач, Хитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бошланади.

2 август куни мамлакатимиз спорт делегацияси Пекинга жўнаб кетди.

Барча олимпиячиларимизга омад ва ғалабалар ёр бўлсин!

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОЛИМПИЯЧИЛАР!

Кеча тунда Ўзбекистон спорт делегацияси XXIX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш учун Тошкент — Пекин авиарейси бўйича Хитойга учиб кетди

8 август куни Пекинда XXIX ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган энг нуфузли бу мусобақада дунёнинг 205 давлати спортчилари қаторида мамлакатимиз йигит-қизлари ҳам ғолиблик учун майдонга чиқадилар.

Шу муносабат билан олимпиячиларимиз 2 август куни мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдаста қўйди.

Сўнгра пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида спортчиларимизни кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳамюртларимиз жаҳон спорт майдонларида юксак муваффақиятларга эришаётганликларини алоҳида таъкидлади. Спортчиларимизни XXIX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани билан табриклаб, масъулиятли баҳсларда уларга омад ёр бўлишини тилади.

— Аслида олимпиадада қатнашишнинг ўзи бир шараф, — дейди оғир атлетика бўйича собиқ жаҳон чемпиони, спортимиз фахрийси Эркин Каримов. — Бир пайтлар мустабид тузум даврида Ўзбекистон спортчиларининг бундай йирик мусобақаларда қатнашиши жуда машаққат эди. Бунинг учун халқимиз фарзандлари катта тўғаноқ ва сунъий тўсиқлардан ўтишига тўғри келарди. Минг шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби спорт соҳасини ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Эндиликда юртимиз спортчилари нафақат олимпиадада қатнашмоқдалар, балки Олимпия чемпионлиги ва совриндорлигини қўлга киритишаётир. Тантилик, жасурлик ва мардлик спортчиларимизга бобо мерос. Улар Пекинда ўтадиган муросасиз баҳсларда ўзларини кўрсатиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришларига ишонаман.

4-бет

БОШ МАҚСАД — АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги тантаналарига саноқли кунлар қолди. Мамлакатимизда ушбу қутлуғ санани кенг миқёсда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда ўтган давр мобайнида халқимиз босиб ўтган тарихий ва мураккаб йўлга яна бир бор назар ташлайдиган бўлсак, мустақил тараққиётимиз давомида нечоғли юксак ишлар амалга оширилганига яна бир бор амин бўламиз.

Албатта, бу ютуқларга осонликча эришилгани йўқ. Бугун биз фахр билан қайд этаётган юксак натижалар замирида давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошириб келаётган оқилона сиёсати мужассам. Агар ислоҳотларнинг дастлабки даврида асосий эътибор мамлакатни тоталитар тузум даврида бошланган иқтисодий инқироздан олиб чиқиш, ривожланишнинг стратегик йўналишларини белгилаш ва унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган бўлса, янги асрдан эътиборан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш сиёсати устувор аҳамият касб эта бошлади.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган биринчи босқич ўтиш даври сифатида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги давр эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Халқимиз ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлди. Бунинг натижасида фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллашди ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ва маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар жадаллашди.

Шахс ва оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоя қилиниши, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгиланиши, шубҳасиз, ўз самараларини берди. Айниқса, бу жараёнда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хослигининг ҳисобга олиниши ислоҳотлар ва янгиланиш ғояларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақилликнинг илк йилларидан қонун устуворлигига, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига катта эътибор қаратилиши ва ушбу масаланинг мазкур беш тамойил қаторига киритилиши мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши учун замин яратди.

Бунинг натижаси ўлароқ, Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, инсоннинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми шакллантирилди. Айнан шу масалалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг бош мақсадига айланди. Судларнинг ихтисослашувини, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судларнинг ташкил этилишини, судларнинг суд қарорларини ижро этиш вазифаларидан озод қилинишини ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатлари сифатида аташ мумкин.

3-бет

Истиқлол — эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Истеъдоднинг қаноти бор, дейдилар. Уни вақтида пайқаб, тўғри йўналтирилса инсонни камолот сари етаклашига шубҳа йўқ. Италиянинг Сан Бартоломео аль Маре шаҳрида ўтган ёш мусиқачиларининг «Giovani Talenti» XXIII халқаро танлови ғолиблари — Р.Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилшодбек Сатторов, Бобур Муҳаммаджонов ва Сардор Турсуновнинг ота-онаси, устозлари бунга яна бир бор амин бўлдилар.

Жорий йилнинг 21-27 июль кунлари ўтган мазкур танловда жаҳоннинг йигирмадан зиёд давлатидан ёш мусиқачилар иштирок этди. Ўзбекистонлик қатнашчилар М.Гайдн, К.Черни, К.Дебюсси ва бошқа жаҳон композиторларининг асарларини юксак маҳорат билан ижро этиб, мусиқа ихлосмандлари, ҳакамлар ҳайъатининг юксак эътирофига сазовор бўлдилар. Жумладан, ёш пианиночи Дилшодбек Сатторов, скрипкачи Бобур Муҳаммаджонов биринчи ўринга, скрипкачи Сардор Турсунов тўртинчи ўринга лойиқ топилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавият ва маърифат, таълимнинг узвий қисми бўлган мусиқа таълимини изчил ривожлантириш, бу йўналишдаги мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантириш, соҳада меҳнат қилаётган педагогларнинг меҳнатини қадрлаш ва эъзозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу ишларнинг ёрқин далилидир.

Ушбу ғалаба навқирон ҳамюртларимизнинг илк ижодий ютуғи эмас. Дилшодбек Сатторов «Санъат ғунчалари», «Келажак овози» каби республика миқёсидаги ижодий беллашувларда, шу йилнинг апрель ойида Франция пойтахтида ўтган ёш пианиночиларнинг тўққизинчи танловида ғолибликни қўлга киритган. Бобур Муҳаммаджонов 2005 йилда Парижда ўтган халқаро ёш мусиқачиларнинг кўрик-танловида биринчи, Сардор Турсунов эса иккинчи ўринга сазовор бўлган.

— «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган истеъдодларни қўллаб-қувватлашга оид эзгу ишлар ёшларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани барчамизни жуда қувонтиради, — дейди Р.Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқитувчиси Константин Беляков. — Бундай эзгу ишлар мусиқа таълимини янада ривожлантириш, соҳа педагогларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек олижаноб ишлар билан уйғун тарзда олиб борилаётгани янада аҳамиятлидир. Лицейимиз ўқувчиларининг Италияда эришган муваффақияти энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг ўн етти йиллигига муносиб совғадир!

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИЯ ҲАРАКАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкентда 2 август куни «Ўзбекистон экология ҳаракати» жамоат бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар иштирок этди. Улар орасида жамоат ташкилотлари фаоллари, етакчи экологлар, экологик ҳуқуқ ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари бор эди.

Конференция қатнашчилари мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимизда атроф-муҳит, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини қайд этди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келажак авлод учун тоза табиий муҳитни сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, узоқ муддатга мўлжалланган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишга доир тизимли чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда, Орол денгизини сақлаб қолиш ва Оролбўйидаги экологик аҳволни соғломлаштиришга оид қатор комплекс ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилаётир. Бу борадаги ишларнинг барчаси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, ҳавони соғломлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш борасидаги кўплаб муаммолар ҳам ҳал этилмоқда.

Ушбу соҳадаги мавжуд вазифалар ва мамлакатимизда экологик ҳолатни барқарорлаштиришга доир муаммоларни ҳал этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ҳамда ҳаво мусаффолигини яхшилаш, уларни зарарли чиқиндилардан ҳимоя қилишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли дастурлар давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва мамлакатимизнинг барча фуқароларининг саъй-ҳаракатини бирлаштиришни тақозо этади.

«Ўзбекистон экология ҳаракати» жамоат бирлашмасини ташкил этиш ғояси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эколог олимлар, нодавлат ташкилотлар фаоллари, таълим, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ҳамда фермерлар иштирокида ўтказилган семинарлар, давра суҳбатларида кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилди. Бунда кенг жамоатчилик, ижод аҳли, депутатлар корпуси фикри ҳам ўрганиб чиқилди. Ушбу тадбирларда билдирилган фикрлар, истак ва таклифлар ҳаракатнинг конференцияда муҳокама этилган Низоми ва Дастури лойиҳалари асосини ташкил этди.

Янги ҳаракатнинг асосий шиори «Соғлом муҳит — соғлом инсон» деб ҳисоблаган конференция иштирокчилари Ўзбекистон экология ҳаракати ўз фаолиятини амалга оширишда эътибор қаратиши лозим бўлган вазифаларни белгилади.

Мисол учун, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик аҳволни соғломлаштириш борасидаги ишларда жамоатчилик иштирокини жонлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа давлат ҳужжатларининг амалга оширилишини таъминлайдиган тизимли ишларни жорий этиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш унинг муҳим вазифасига айланаши керак.

Бундан ташқари, мавжуд экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатларининг марказ ва жойларда сўзсиз бажарилиши, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш ҳам ҳаракат фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши даркор. Шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар саъй-ҳаракатини бирлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам устувор вазифалар ҳисобланади.

Конференцияда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди — Марказий кенгаш, Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Тадбир якунлангандан сўнг бўлиб ўтган Ўзбекистон экология ҳаракатининг янги сайланган Марказий кенгаши ялпи мажлисида ҳаракат Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, унинг раиси ва ўринбосарлари сайланди. Ҳаракат Марказий кенгаши ва Ижроия қўмитаси таркибига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан вакиллар сайланди.

(ЎзА)

Август ойи — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ХИРМОН ТАҚДИРИ

айни шу кезлар — асад ойида ҳал бўлади. Шу боис, асл деҳқон бу кунларда далага танда қўяди, — деб сўз бошлади **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Пахтачилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳмат Мубораков.**

— Республикамиз Фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан бу ойда пахта пайкалларида юқори ҳосил олиш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида тайёрланган тавсиялар марказий газеталарда бежиз берилмади. Азал-азалдан пахтачилик тарихида август (асад) ойи ғўза парваришида асосий агротехник тадбирлар ойи ҳисобланиб келинган ва халқимиз «асад — экинингни ясат», «август — ҳосил тақдирида ҳал қилувчи ой» деган ҳикматларни яратишган.

Мамлакатимиз пахтакорлари Ватанимиз Мустақиллигининг шонли 17 йиллиги нишонланадиган бу йилги шароитда ҳам олдинги йиллардагидек фидойилик билан меҳнат қилишяпти. Ҳозир қайси вилоятда бўлманг, деҳқоннинг саратон ҳароратида ҳам ҳаловат билмай, культивация қилаётгани, чилпиш-чеканка ўтказаётгани, чопиққа зўр бераётгани, вегетация суғориш жараёнларини обитобида бўлишига аҳамият қаратаётгани устидан чиқасиз. Яқинда мутахассисларимиз Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё сингари қатор вилоятларда бўлиб келишди. Ғўза шоналари авж билган гулга, гуллар — кўсакка айланаяпти. Ҳатто жанубий ҳудудларда кўсаклари қийғос очилиб келаётган далаларни учратасиз. Икки-уч кун олдин Сурхондарёнинг Ангор туманидан пешқадам бир фермер қувончини яширолмай: «Пахтам қийғос очилиб келмоқда, бугун-эрта терсам бўлаверадими?» — дея қўнғироқ қилди. Аввалига унга омад, барака тилаб, кейин мутахассис сифатида маслаҳат қилдим: «Теримга шошилманг, очилган пахта ғўза чаноғида қанча кўп турса, шунча толаси пишиқ, чигити тўқ, ёғли бўлади. Тола тўқ чигит ёғидан озиқ олиб туради ва у оби-тобига етказиб терилганда тарозида тош босади, сифати ҳам аъло бўлади», — дедим. Республикамизнинг ҳамма пахтакорларига ҳам бу борадаги тавсиям шу.

— Оммавий пахта теримини насиб этса 1 сентябрдан бошлашни режалаб турибмиз, — давом этди у. — Унгача матбуотда эълон қилинган Республика Фермер хўжаликлари уюшмаси тавсиялари асосида ғўза парваришини бир зум ҳам бўшаштирмай, август ойининг «зарбдор ўттиз кунлик» даврида агротехника тадбирларининг беками-кўст бажарилишига эришмоқ керак.

Айниқса шу кунларда ғўза пайкалларида чеканкага алоҳида масъулият билан ёндашмоқ лозим. Бу тадбир 31 июлгача бўлган тезкор маълумотларга кўра, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларда тўла бажарилди, ҳисоби. Қолган вилоятларда ҳам 10 августгача тугалланиши кўзда тутилган. Ота-боболаримиз пахтачиликда чеканкага жуда масъулият билан қараганликлари сабаби шундаки, чеканкадан сўнг ғўза бўйига эмас, ёнига ўсади. Ҳосил шохлари кўпайиб, туганаклари ортади. Туганак, бу — ҳосил дегани. Аниқроқ айтганда, хирмонга гектар бошига 5-8 центнергача хирмон қўшилади, дегани. Яна бир жиҳати, чеканкадан сўнг ғўза тупларига берилган озуқа унинг ҳамма шохларига бирдек етиб боради. Ҳосил тугунчаларининг тўкилиши 10-15 фоизга камаяди, кўсакларнинг вазнига вазн қўшилиб, эрта очилади. Айни чоғда тола ҳам сифатли бўлади. Сифатли хомашёнинг эса бозори доим чақ-қон, даромади мўмай...

Ҳозир фермер хўжаликлари пахта майдонларидаги ҳар бир тўп ғўзада ўртача 6-8 тадан бўлиқ кўсаклар бор, деб бемалол айтиш мумкин. Илғор жамоалар меҳнат қилаётган далаларда ҳатто кўсаклар сони 10-12 тага (баъзан кўп ҳам) етиб қолди. Август ойи — «Зарбдор ўттиз кунлик»да барча агротехника тадбирлари маромида ўтказилса, ана шу кўсаклар ёнига камида 5-6 тадан янги кўсак қўшилиши — амалиётда ҳам, назарияда ҳам исбот топган.

Барча вилоятлар, туманлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари асад ойида ғўза қатор ораларига тез-тез оралаб туришни тавсия этишлари жоиз. Фермер хўжаликлари уюшмаси тавсияларида бу жараёнга «ғўзаларни «варақлаб» туриш» дея ўхшатиш берибди. Жуда ўринли таъриф. «Варақланган» ғўза кўксига шамол тегиб, шона, гул ва тугунчалар елпинади, кўсаклар тўлишади. Тўлишган кўсакда барака бўлади. Хуллас, ғўза қатор ораларини оралаб туришнинг хосияти кўп, асл деҳқонлар нафақат ғўза, балки бошқа тур экинлари орасини ҳам «варақлаб» туришлари боиси шунда. Қолаверса, қатор ораларда юриб, пайкалнинг қаерида ривожланиш яхши-ю, қаерида суст эканлигини кузатасиз ва уни зудлик билан тузатиш чорасини кўрасиз. Бу тадбирга нафақат сувчи, механизатор, энтомолог ёки агроном, фермер хўжаликларининг барча аъзолари ҳам жалб этилса нур устига аъло нур.

— Абдураҳмат Муборакович, ўтган йили ғўза майдонлари қанча эди? Бу йил-чи? Уларда бугунги кунда қанча одам меҳнат қилаяпти?

— Юқорида айтиб ўтилган иш жараёнларининг (экиш, культивация, суғориш, озиқлантириш, чеканка, ҳашаротларга қарши кураш ва ҳоказо) ҳаммасида бугунгача бўлган маълумотга кўра республика бўйича пахта етиштирилаётган 1425,4 минг гектар пахта майдонларида 269 минг 943 нафар одам фаол иштирок этяпти. Улар ихтиёридаги мавжуд 26 минг 182 дона культиваторларнинг ҳозирги кунда 24 минг 206 донаси самарали ишлатилмоқда. Ҳар бирининг ўртача иш унуми 4,4 гектарга тўғри келмоқда. Аниқроғи, бир кунда мамлакат пахтазорлари бўйлаб 50117 гектар майдондаги ғўзаларга ишлов берилаётир. Бу — тармоқда кунлик ишлов 3,5 фоиз дегани... Айни шу кўрсаткич, бугунги кунда Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Жиззах вилоятларида (тегишли равишда 9,3, 8,9, 8,8, 7,7 фоиз) юқори.

— Деҳқонлар баъзан асад ойи келаверса, ривожи пастроқ экинларини «асад сувини ичса «одам» бўлиб кетади, асад суви — «асал сув» деб умид қилишади, нега?

— Асад ойи — асал ойи-да... Пишмаган мева, сабзавот-полиз экинлари қолмайди. Ҳаммаси шира боғлаб, танаввул учун роса етилади. Етилмай қолганлари асад сувини ичиб етилиб олади. Қуриб қолишига сал қолаёзган нав-ниҳол борми, дов-дарахт борми, асад сувини ичса, ёз чилласидан ўтиб, омон қолади...

Пахта ҳам шундай. Асад сувига мириқиб тўйган ғўзада кўсаклар шодашода бўлади. Айниқса, тунда суғорилган ниҳоллар сувга қонади. Чунки, жўякдаги сув тунда ҳавога парланмайди. Кундузи офтоб тиғида қизиган, чанқаган ғўза илдизи тунда муздек сув ичиб, чанқоғини яйраб-яйраб босади. Эртасига ривожланишини кўринг, яшнаб кетади. Аммо, бу — кўллатиб суғориш керак экан, дегани эмас. Ғўзани кўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам бўлмайди. Кўллатсангиз ғўза бўйига зўр бериб, ғовлаб кетадида, ҳосилдан қисади. Чўллатсангиз гулини ташлаб юборади. Гул ташлаган ғўза яна ҳосилга зиён. Олимлар аниқлашган, чўллатиб суғорилган пахта ҳосили гектар бошига 6-7, баъзан 9-10 центнергача камайиб кетади.

— Зараркунандаларга қарши курашда қандай тавсиялар берасиз?

— Мен илгари анча йиллар Сирдарё вилояти хўжаликларида бўлим агрономи, совхоз директори бўлиб ишлаганман. Кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларга қарши курашнинг ҳамма йўлларини қилиб кўрганмиз. Ўҳ-ҳўў, собиқ иттифоқ агротехникаси дориларини далаларга (мажбуран!) тонна-тонналаб пуркаганмиз, одамлар соғлиғига, ерга зарар етказиб, табиат ҳавосини булғаб, қанча-қанча маблағларни бекордан-бекорга ҳавога совурганмиз... Ниҳоят, мустақиллик йилларига келиб, кўплаб биолабораториялар ташкил этдик. Зараркунандаларга қарши фойдали ҳашаротларни кўпайтиришга ўтдик. Тригограмма, бракон, олтинкўз сингари фойдали ҳашаротлар зараркунандаларга қирон келтирди. Қолаверса, бу усул экологиянинг тозалиги учун ҳам фойдали. Иқтисодий жиҳатдан ортиқча чиқимга тушмайсиз.

Ҳозир республикамизнинг тармоққа ихтисослашган барча фермер хўжаликларида биолабораториялар мавжуд. Айни август ойида юқори ҳосилни ният қилган ҳар бир пахтакор улар хизматини намунали ташкил этиши керак. Раҳбарлар ва мутахассислар эса бу борадаги ишлар ижроси ҳамда сифатини қатъий назорат қилиб боришлари шарт.

— Бу йил ғўза парвариши даврида юз берган табиий қийинчиликлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Табиий қийинчилик қачон бўлмаган, дейсиз. Табиат, бу — табиат. Эсласангиз, бир вақтлар «табиат — ўз йўлига, иш — ўз йўлига», деган гап бўларди. Пахтакорларимиз назаримда бу йил шу гапга амал қилиб ишлашди. Ҳадемай дефолиация бошланади. Бу тадбирнинг ҳам ўз қоидалари бор. Бу йил унга ҳосилнинг 40-45 фоизи очилгандан сўнг киришмоқчимиз... Саволингизга аниқроқ жавоб айтадиган бўлсам, бу йил қиш қаттиқ келгани билан сув бироз кам бўлди. Бунинг устига, баҳор, бир ҳафтача давом этиб, бирдан ёз бошланиб кетди. Бу ҳол ғаллачиликда яққол кўринди. Ғаллазорлар ҳафта-ўн кун олдин пишиб етилди. Пахта майдонлари сувни эртароқ талаб қилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида сув бироз танқис бўлгани рост гап. Аммо, тан олиш керак, пахтакорлар бўш келишмади. Мавжуд майдонларда белгиланган режада, кўзланган чамада ҳосил етиштириш ҳаракатини қилдилар ва қилмоқдалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчи ва суянчи — фермерларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати, иншоолло, бесамар кетмайди. Ишонаман, улар ташаббуси билан бошланган «Зарбдор ўттиз кунлик» ойлиги кутилган натижани беради. Асад ойида қилинган меҳнат самараси ҳосилни кўтарганда кўринади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

ЎзХДП ҳаёти

МАФКУРАВИЙ КУРАШ

глобал аҳамият касб этаётган шароитда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг ўрни ҳақида

Тарих ҳақиқатларидан аёнки, ҳар қандай жамият мафкурасиз яшай олмайди. Инсоният ўз тарихида нимага эришган бўлса, барча моддий бойликлар, кашфиётларнинг асосини мафкура ташкил этади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ХДП ташкилотларида мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Партия тузилмаларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими йўлга қўйилди. Партиямизнинг янгиланган мафкураси мамлакатдаги чуқур иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар таъсири остида янада такомиллашиб бораяпти.

— Дунёга теран нигоҳ билан назар ташлаш, ота-боболаримиз қадриятларини авайлаш, буюк аждодларимиз меросини асраш, ўрганиш, улар асосида ёшларни тўғри тарбиялаш, Ватанни кўз қорачиғидек сақлаш, яхши билан ёмон, дўст билан душманни ажрата билиш ҳам инсондан юксак маънавиятни талаб этади, — дейди Тўрткўл туман партия кенгаши раиси ўринбосари Роҳатой Юсупова. — Биз фарзандлари тақдирини ўйлаб яшайдиган халқмиз. Уларнинг юксак маънавиятли бўлиши бизнинг бурчимиз. Шундай экан, бугун бу масалага биз фаоллардан алоҳида эътибор, масъулият, жонкуярлик талаб этилаяпти. Фаолиятимизда буларнинг барчаси ўз аксини топиши керак.

— Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Ногиронлар жамияти, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлими бизнинг доимий ижтимоий шерикларимиздир, — дейди Амударё туман партия кенгаши раиси ўринбосари Норгул Йўлдошева. — Туман партия кенгаши, бошланғич ташкилотларимиз жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ишлаётгани учун партиямиз ғоялари, дастурий мақсадларини аҳолига етказиш, тушунтиришда кенг имкониятларга эга бўлаяпмиз. Шунинг учун ёшлар ҳисобидан партия сафи кенгаймоқда. Аммо бугун маънавият соҳасидаги ишларимизни кескин жонлантириш талаб этилаяпти. Буни партиянинг ҳар бир фаоли унутмаслиги керак. Юксак маънавиятсиз фуқаролик жамиятини асло тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакат тақдири учун жавобгар сиёсий институтлардан бири сифатида фаолиятимизда ана шу масалаларга устувор вазифа сифатида қараяпмиз. Ижтимоий шерикларимиз билан бу борадаги ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда.

— Миллий ғоя, миллий мафкура, тарихий қадриятларимизни ёшларимиз онгига сингдиришга хизмат қиладиган миллий телесериаллар, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш мақсадга мувофиқдир, — дейди Беруний туман партия кенгаши раиси Халича Ешимбетова. — Фарзандларимизга кимдан ўрнак олишни кўрсатиб берайлик. Ҳаётий мисоллар, буюк тарихимиз орқали ва ота-боболаримизнинг ўзига хос ҳаёт йўлларини кўриб, улар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсин.

— Халқ депутатлари туман кенгашининг 28 депутатидан 16 нафари ЎзХДПдан сайланган, — дейди Қонликўл туман партия кенгаши раиси Тонгатар Қаипназаров. — Туман кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари бирлашиб ҳаракат қилса, жуда катта кучни ташкил этади. Улар кенг имкониятларга эга. Аммо биз бундан етарлича фойдалана олмаяпмиз. Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги ҳаёт, онгимиз, мафкурамизга таъсир этишга уринаётган турли ғаразли кучларнинг авж олаётгани бу борадаги ишларга жиддий масъулият билан ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бошланғич партия ташкилотларида

ҚУЙИ БЎҒИНДА

ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган «Ўзбекистон Темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Қуюв механика заводида минг нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг юз нафардан ортиғи Ўзбекистон ХДП аъзосидир. Бу ердаги партиямиз бошланғич ташкилоти эса ХДПнинг энг фаол, энг ташаббускор, дастурий мақсадларни амалга ошириш йўлида кўплаб сайъ-ҳаракатлар билан чиқаётган қуйи бўғинлардан ҳисобланади. Яқинда заводда БПТ ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданияти, маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу мавзудаги тадбирнинг бу ерда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Чунки заводда меҳнат қилаётган кишиларнинг 350 нафарини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

— Иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт ва маънавият бир-бири билан алоқадор тушунчалар, — деди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали бош илмий ходими Рустам Саидов. — Улар бир-бирини тўлдиради, ривожлантиради. Маънавиятсиз ҳеч бир давлат, ҳеч бир жамият тараққий этиши, эртанги куни порлоқ бўлиши мумкин эмас. Давлатимизнинг келажаги буюк бўлиши учун бугун миллий маънавиятимизни асраш ва уни янада бойитишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

— Мамлакатимиз қонунларида 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ёшлар деб юритилиши белгилаб қўйилган, — деди Тошкент давлат юридик институти доценти Игорь Кудрявцев. — Улар бугун юртимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз халқимиз ўлмас қадриятларининг муносиб давомчилари, ворислари, деб бемалол айтиш мумкин. Мисол учун, бир кекса одам автобусга чиқса, ёшлар дарров ўрнидан туриб, жой беришади. Мен кўпгина хорижий мамлакатларда бўлдим. Аммо, кексаларга, ёш болали ёки ҳомиладор аёлларга бундай муносабатни кўрмадим. Демак, бу ҳам бизнинг авлоддан авлодга ўтиб бораётган ўзига хос маънавиятимиз, маданиятимиз, одобимиздир. Бугун биз бекорга навқирон авлод учун улкан имкониятлар яратиб бераётганимиз йўқ. Улар ушбу шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, юксак маънавиятли, ҳар жиҳатдан баркамол вояга етиб, келажагимизнинг қудратли, салоҳиятли эгаларига айланади.

— Таълим-тарбия инсоннинг ҳаётини белгилаб берадиган энг муҳим омилдир, — деди фалсафа фанлари номзоди Маргарита Аҳмедбекова. — Шунинг учун ҳам бугун таълим-тарбиянинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Таълимнинг ҳар босқичи йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш, улар орасидан салоҳиятли кадрларни етиштиришда ўзига хос роль ўйнайди. Ана шуларни эътиборга олиб, фарзандларимиз то ўсиб-улғайиб, оёққа туриб кетгунча уларни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз. Халқимизга хос ушбу фазилатлар олдимизга қўйган мақсадларимизни амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаяпти...

Давра суҳбати қизиқарли савол-жавоблар асосида ўтди.

Муборак КАРИМОВА

✧✧✧

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Бандлик дастури — амалда

Муҳаммади ЖУМАЕВ олган суратлар

«SMAT-DTK» ТЕКСТИЛ КОМБИНАТИ

фаолият бошлаши билан 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди

Аҳолини иш билан таъминлаш фаровонлик калитидир. Зеро, ишлаб чиқариш бор ҳудудда тўкинлик, ривожланиш, фаровонлик бўлади. Ана шундай хайрли ишлар Деновда ҳам давом этмоқда. Ҳасан Жўракуловнинг ташаббуси билан яқинда туманда «SMAT-DTK» текстил корхонаси фойдаланишга топширилди.

— Туман «Пахта банки»дан 100 минг доллар имтиёзли кредит олгандик, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Жўрақулов. — Қисқа фурсатларда хориждан замонавий асбоб-ускуналар келтирдик. Шундай қилиб, 60 турдан ортиқ кийимкечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Қулайликлардан миннатдормиз, — дейди тикувчи Гулнора Кароматова. — Қизим иккаламиз шу ерда меҳнат қилаяпмиз. Шароитлар кўнгилдагидек, маошлар яхши...

Айни кунларда корхонада 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келажакдаги асосий мақсад эса «Ўзбекистон» тамғаси билан хорижга маҳсулот экспорт қилишдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Солиқ ва ҳаёт

ИМТИЁЗЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири — солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш. Бу йўналиш моҳияти Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорида ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган мажлисида қилган маърузасида батафсил асослаб берилди.

Дарвоқе, бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар инвестицияларнинг кўпайиши, корхоналар айланма маблағининг тўлдирилиши ва ишчи-хизматчилар иш ҳақи ҳамда даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина бизнинг туманимизда 2008 йилда фаолият кўрсатаётган 4467 та хўжалик юритувчи субъектдан 3871 таси солиқ ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлаши керак эди. Улардан 810 таси солиқ имтиёзлари қўлланиладиган субъектлар сирасига кирарди. Йил охирига келиб ушбу субъектлар фақат солиқ имтиёзлари қўлланилишининг ўзидан 182052,9 минг сўмлик қўшимча молиявий ресурсга эга бўлишди. Жорий йилнинг 3-чораги якуни бўйича эса мазкур кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Яна бир гап. Солиқ сиёсатида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига икки томонлама ижобий таъсир кўрсатмоқда. Биринчидан, улар ихтиёрида қолаётган қўшимча маблағ эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва иш шароитларини яхшилаш имконига эга бўлмоқдалар. Иккинчидан, таклиф этилаётган солиқ имтиёзлари уларни кўпроқ экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам ундамоқда. Албатта бу хайрли ишлар йўлида туманимиз Давлат солиқ хизмати ходимларининг ҳам муносиб улушлари бор.

Шаҳноза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Миробод туман ДСИ шўъба бошлиғи.

БОШ МАҚСАД – АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасида рўй бераётган бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритилиши суд-ҳуқуқ соҳасида янги, муҳим босқични бошлаб берди. Жиноятлар таснифланиши ислоҳ қилиниб, жиноятлар таркибининг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, атиги 25 фоизи эса оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш борасидаги жазони тайинлаши 2007 йилда 2000 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоизга камайди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва ўша йил 8 августда имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари асосида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотларнинг муҳим тарихий босқичи бўлди.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги қатор халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида белгиланган бўлиб, бу ҳуқуқнинг қонун асосида ҳимояланиши билан боғлиқ қоидалар давлатимиз раҳбарининг фармонида тўлиқ ифодасини топди. Қайд этиш жоизки, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ жараён замирида улкан инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили мужассам. Шу боис ушбу фармон инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ўлим жазосини бекор қилишга оид жараён юртимизда аввало аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни тақозо этарди. Ана шу заруратдан келиб чиқиб, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар, жумладан, судлар томонидан фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 29 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши ўлим жазосини бекор қилишга оид ислоҳотлар моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтириш имконини янада кенгайтирди.

Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг натижасини берди. Хусусан, яқинда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг 92,2 фоизи давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини тўлиқ маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлигини билдирган. Бу Президентимизнинг бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилган ва инсонпарвар сиёсати аҳолининг барча қатламлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганининг яққол тасдиғидир.

Жорий йилдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Таъкидлаш ўринлики, бу жараён ҳам пухта режалаштирилган тайёргарлик асосида амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони асосида қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди.

Бу эса, ўз навбатида, терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, энг асосийси, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, шунингдек, шахснинг конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади. Ана шу ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда Жиноят-процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига мутахассислар иштирокида пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хорижий тажрибанинг чуқур ўрганилиши ва таҳлил қилиниши ҳам бу борада катта аҳамият касб этди.

Таъкидлаш керакки, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони юзасидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 90,3 фоизи Юртбошимизнинг ушбу қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлаш тарафдори экани маълум бўлди. Бу кенг жамоатчилик мамлакат ҳаётидаги ислоҳотларни қизғин қўллаб-қувватлаётганини яққол тасдиқлайди.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **суд амалиётида ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлиб хизмат қилаётган мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, жиноий жавобгарликдан озод этишда кенг имконият яратмоқда.**

Билиб-билмай жиноят содир этган шахсларга тўғри йўл кўрсатиш, кечиримлилик, бағрикенглик халқимизга хос фазилатлардан. Қонунчилик тизимига ярашув институтининг киритилиши том маънода бағрикенглик намунаси бўлди. Зеро, ярашув муносабати билан жиноий жазодан озод қилиниши натижасида кўплаб фуқаролар «судланган» деган тамғадан халос бўлдилар. Ушбу институт ҳозиргача етмиш бир минг кишига нисбатан қўлланилди. Ана шу далилнинг ўзиёқ ушбу янгиликнинг нечоғли юксак самарага эга эканидан далолатдир.

Энг муҳими, бу каби янгиланишлар миллий қонунчилигимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яққол намоён этиши баробарида, одамлар онгида одил судлов тизими инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати эканлиги ҳақидаги дунёқарашни шакллантириб, фуқароларнинг судларга ишончи тобора ортишига мустаҳкам замин яратди.

Шундай кезларда собиқ шўро замонида халқимиз бошидан кечирган ноҳақлик ва адолатсизликлар ёдга тушади. Ўша машъум даврда «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган сохта айбловлар билан минглаб юртдошларимизнинг шаъни, қадр-қиммати аёвсиз топталгани, улар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларни бошидан кечиришга мажбур қилинганини унутиб бўлмайди.

Ўша даврда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати ва шахсини ҳимоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Юртимизда бугунги кунда ҳам ўша мудҳиш сиёсатнинг азобини ҳали-ҳануз унутолмай яшаётган оилалар жуда кўп. Халқимизни ана шундай адолатсизлик ва ноҳақликлардан, бир сўз билан айтганда, муқаррар ҳалокатдан Ватанимиз мустақиллиги, Президент Ислом Каримовнинг тенгсиз жасорати сақлаб қолди.

Кези келганда шуни қайд этиш керакки, жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунчилигига апелляция институтининг киритилиши ва 2001 йил февраль ойидан бошлаб суд амалиётига жорий этилиши натижасида жиноят ва фуқаролик ишларини белгиланган муддатларда ҳал этилишига эришилди. Кассация институтининг жорий этилиши ҳам шахс ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда муҳим босқич бўлди. У судлов тизимида янги имконият ва кафолатларни яратди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай ҳаётбахш ислоҳотлар натижасида судланганлик ҳолатлари сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Судланганлик ҳолати 2008 йилнинг биринчи ярмида 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 15,7 фоизга камайган. Бу жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва аҳоли ўртасида олиб борилган кенг миқёсли ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларининг самарасидир. Зеро, ҳуқуқий маданият ва дунёқарашнинг юксалиши ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидир ҳисобланади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, мазкур қарор мазмун-моҳияти билан ҳуқуқни қўллаш ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва обрўсини кўтариш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини пухта ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мазкур қарорнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра, Олий суд органлари тизимида суднинг асосий вазифасини ҳал этиш, яъни суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳолатини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги ташкил этилган тадқиқот маркази олдида бир қатор муҳим вазифалар турибди. Одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларини ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тадқиқот марказининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Конституциянинг 83-моддасида белгиланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан янада самарали фойдаланиши борасида муҳим омил бўлади.

Айтиш керакки, ушбу қарор ижросини самарали таъминлаш мақсадида бугунги кунда тадқиқот марказини суд-ҳуқуқ ва ахборот-таҳлил соҳасида етарли иш тажрибасига эга юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, илғор чет эл таҳлил марказларида тажрибасини ошириш, Марказ фаолиятининг 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Одил судлов тизими инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатидир. Халқимиз мустақиллик туфайли ана шундай имкониятларга эришди. Уни асраб-авайлаш, янада мустаҳкамлаш, она юртимизни бундан-да гуллаб-яшнатиш учун фидокорона меҳнат қилиш юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси,
ЎзА

ИШСИЗЛАР
КЎПАЙМОҚДА

АҚШда 2008 йил июль ойида ишсизлик 5,7 фоизни ташкил этди, деб хабар беради BBC.

Бу сўнгги тўрт йил мобайнидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Мамлакат меҳнат вазирлигининг ҳисоботига кўра, июль ойида корхона эгалари 51000 та, июнда эса 62000 та иш ўринларини қисқартирган. Мамлакатдаги иш ўринлари етти ойдан бери муттасил қисқартириб келинмоқда. Йил бошидан буён 463 минг фуқаро ишсиз қолди. Ёқилғи нархининг ошиши меҳнат бозоридаги тангликни келтириб чиқарган омил сифатида кўрсатилмоқда. Ташкилотлар ёқилғи сарф-харажатини камайтириш мақсадида ишчилар сонини қисқартиришни бошлаган.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ
ИНҚИРОЗГА ОЛИБ КЕЛАДИМИ?

Яна 100 кундан кейин дунёда иқтисодиёт глобал миқёсда тангликка учрайди, деб тахмин қилади Green New Deal Group янги экологик ҳаракати.

Бунга иқлимнинг ўзгариши сабаб бўлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Буюк Британия ва Европанинг бошқа йирик давлатлари экологик инқироздан халос бўлиш учун аниқ чора-тадбирлар кўриши керак. Ҳаракат қайта ишлаб чиқиладиган энергия манбалари, экологик тоза ишлаб чиқариш соҳасига ялпи сармоя жалб этишни, экологлар, ишлаб чиқарувчи ва аграр соҳа вакилларининг жипслашувини тавсия қилди.

Эслатиб ўтамиз, Буюк Британия дунёда биринчи бўлиб глобал исишнинг олдини олишга киришган давлатдир. Ўтган йили март ойида мамлакат CO2 чиқинди миқдорини 2050 йилгача 60 фоизга камайтириш ҳақида қонун қабул қилган. Ҳолбуки, янги экологик ҳаракат ярим аср ичида эмас, балки уч-тўрт ой давомида рўй бериши мумкин бўлган талқинларни илгари сурмоқда.

ПИСТА СОТИШ
ТАҚИҚЛАНДИ

Бишкек маъмурияти шаҳар кўчаларида кунгабоқар меваси — писта сотишни таъқиқлади, деб хабар беради NEWS.RU.

Бу ҳақда шаҳар мэри Наримон Тюлеев қарор қабул қилган. Мэриянинг маълумот беришича, энди пистани фақат бозорлар ҳудудидаги махсус жойларда сотишга рухсат берилди. Қарор ижросини туман маъмурияти ва санитар-эпидемиологик марказлари назорат қилади. Хабарда таъкидланишича, пойтахт маъмурияти бир неча йилдан бери «пистага қарши кураш»иб келади. Бунга писта пўчоғининг шаҳар кўчаларини ифлос қилгани сабаб этиб кўрсатилмоқда.

СИФАТСИЗ БЕНЗИН УЧУН ЖАЗО

Москвадаги автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларининг ҳар бешинчиси сифатсиз бензин сотади, деб ёзади eco.ru.

Россия табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш Департаменти бошлиғи Леонид Бочиннинг фикрича, бундай виждонсизларга юз минглаб жарима солишнинг ўзи етарли эмас. Бочин сифатсиз бензин сотганлик учун жиноий жавобгарлик жорий этишни таклиф қилмоқда. Ҳайдовчилар бу ташаббусни қўллаб-қувватлаяпти. Чунки сифатсиз ёқилғи нафақат атроф-муҳит, балки транспорт воситаси, унинг эгаси ҳамёнига ҳам салбий таъсир қилади. Статистик маълумотларга қараганда, Москвадаги ҳар тўртинчи хорижий автомобиль эгаси техник хизмат кўрсатиш станциясига сифатсиз ёқилғи туфайли мурожаат қилади. АЁҚШнинг тўғри иш юритаётганини аниқлаш учун ёқилғидан учта намуна олинади ва улардан бири судга юборилади. Чунки АЁҚШ раҳбарлари экспертиза хулосасини тан олмаслиги мумкин. Айни вақтда, Россияда сифатсиз бензин сотганлик учун жарима 300 минг рублни ташкил этади.

ОИТС ХАТАРИ

3 август куни Мехико шаҳрида 25 минг олим, сиёсатчи ва фаоллар иштирокида ОИТСга бағишланган конференция очилди.

Ортиб бораётган хасталиклар бўйича ОИТС дунёда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Айниқса, АҚШда 2008 йил бу касалга йўлиққанлар кескин ошди. Сўнгги ўн икки йил давомида мамлакатда йилига ўртача 40 000 нафар киши шу дардга чалинган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 56 300 га етди.

Конференция иштирокчилари эътиборни авваламбор ривожланаётган давлатларга қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Сўнгги маълумотларга қараганда, дунёда 33 миллион ОИТСга чалинган одам бор. Йилига 2,5 миллион киши бу касалликка йўлиқмоқда. Касалларнинг 95 фоизи ривожланаётган мамлакатлар фуқароларидир. Улардан учдан икки қисми Африка давлатларига тўғри келади. БМТ бош котиби Пан Ги Мун ва АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон биринчи навбатда қашшоқ давлатларга дори-дармон етказиб беришни кучайтириш масаласини таклиф қилди. Конференцияда, шунингдек, ривожланаётган давлатлар соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириш ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича ишларни координация қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

ШАМОЛДАН КУЧ ОЛУВЧИ ШАҲАР

Аҳолиси 1300 кишидан иборат АҚШнинг Миссури штатидаги Рок Порт шаҳарчаси ўзини фақат шамол қувватидан электр токи олиб таъминловчи биринчи аҳоли пунктига айланди.

Далаларда жойлашган тўртта шамол турбиналари шаҳарчага электр токини етказиб турибди. Бунга Рок Портнинг шамол энергиясидан фойдаланиш учун қулай географик шароитга эгалиги туфайли эришилди. Шаҳар йилига ўртача 13 миллион киловатт электр қуввати сарфлайди. Ортиб қолган электр токини эса штатнинг муниципиалитети сотиб олади.

Айни вақтда дунёда Атчисон Графлигида 24 та, Нодвей Графлигида 24 ва Жентри графлигида 27 та шамол турбиналари бор. Мазкур графликдаги фермалар шамол турбиналари эвазига йилига 1,1 миллион доллар тежаб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, қишлоқ шароитида маблағни тежашда бундай мосламалар асқотади. Мосламаларнинг ишлаш муддати 20 йилни ташкил этади. Айни дамда турбиналарни томоша қилиш учун келаётган сайёҳлар сони ортмоқда.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» «НАМАНГАН» АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1	НАМАНГАН ШАҲАР АЭРОПОРТИДА АВИАПАССАЖИРЛАР ТЎПЛАШ БИНОСИНИ «S.I.P» ЗАЛГА МОСЛАШТИРИБ МУКАММАЛ ҚАЙТА ҚУРИШ	417 839 536	8 ой

Буюртмачи: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Наманган» аэропорти
Телефон: 8(369) 232-34-25, 226-20-84.
Қурилиш ишларини молиялаштириш «Наманган» аэропорти маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй. (Матбуот уйи, 4-қават),** иш кунлари соат 10.00дан 16.00гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.
Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ИПОТЕКАБАНК» АТИБ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Ипотекабанк» АТИБ Сурхондарё вилоят филиали биносининг том устки ва ички қисмини мукаммал таъмирлаш.
Иншоотнинг бошланғич нархи — **142,577 млн. сўм,** қурилиш муддати — **90 кун.**
Буюртмачи: «Ипотекабанк» АТИБ Сурхондарё вилоят филиали.
Манзили: Термиз шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 20-уй.
Тел/факс: (8-376) 770-83-00, 770-83-05.
Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — «Ипотекабанк» АТИБ Сурхондарё вилоят филиалининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:
Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.
Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 20-уйда ўтказилади.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОЛИМПИЯЧИЛАР!

Beijing 2008

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, **«Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».** Дарҳақиқат, бугун мустақил Ўзбекистонимизда барча соҳаларда ҳур фикрли, билимдон, соғлом, мард ва жасур ёш авлод вояга етмоқда.

Уларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодини намоён этиши учун тобора кенг шароитлар яратиляпти. Айниқса, спортни янада ривожлантириш, бу соҳанинг фидойи инсонлари меҳнатини муносиб тақдирлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Энг чекка қишлоқларгача қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари, уюштирилаётган янгидан-янги мусобақалар — ҳамма-ҳаммаси Ўзбекистон ёшларининг истиқболи учун барпо этилган.

Маълумки, Пекин олимпиадасида 58 нафар спортчимиз спортнинг оғир атлетика, сузиш, енгил атлетика, теннис, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, бокс, трамполин, велоспорт, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, спорт гимнастикаси, таэквондо (WTF), академик эшкак эшиш сингари ўн беш тури бўйича медаллар учун кураш олиб боришади. Уларнинг Олимпия ўйинларига пухта ҳозирлик кўришлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Олимпиячиларимиз тайёргарлик жараёнида ташкил этилган юздан зиёд ўқув-машғулот йиғинларида жисмоний, тактик ва техник маҳоратларини оширдилар.

— Пекин олимпиадасида майдонга чиқадиган олимпиячиларимиз орасида қитъа ва жаҳон чемпионлари, Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари талайгина, — дейди Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Лев Югай. — Жумладан, улар орасида Олимпия ўйинлари чемпиони ва совриндорлари эркин курашчи Артур Таймазов, боксчи Баҳодиржон Султонов, жаҳон чемпиони ва совриндорлари бўлган боксчилар Аббос Атоев, Дилшод Маҳмудов, енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё чемпиони Бобур Шокиржонов, каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Вадим Меньков ва бошқа қатор истеъдодли спортчиларнинг борлиги ишонч ва умидимизни янада оширади.

Тантанада спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Абдулла Тангриев, таэквондо (WTF) бўйича Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Евгения Каримова ва бошқалар спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, Пекин олимпиадасида мустақил Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга сўз бердилар.

— Ортимизда бағрикенг, кўп миллионли халқимиз турганлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб майдонга чиқамиз, — деди дзюдочи Абдулла Тангриев. — Халқимизнинг дуолари, Юртбошимизнинг ғамхўрликлари кучимизга куч қўшади. Пекин гиламларида ғалаба қозониш учун жон-жаҳдим билан курашаман. Худо хоҳласа, Ватанимизга албатта, медаль билан қайтаман.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир спортчиларимизга Олимпия ўйинларида юксак ғалабалар ёр бўлишини тилади ва олимпиячиларга бағишланган шеърини ўқиб берди.

— Эндигина ўн етти ёшга тўлдим, — дейди ёшлар ўртасида найза улоқтириш бўйича Осиё чемпиони Бобур Шокиржонов. — Ҳозир ниҳоятда ҳаяжонланаяпман. Пекин олимпиадаси мен учун ўзига хос синов бўлиши табиий. Аммо мен унда шунчаки эмас, балки медаллар учун майдонга чиқаман. Ниятим дунё спортчиларининг энг йирик мусобақасида Ўзбекистон ёшларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишдир.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ,
Муҳаммад АМИН (ЎзА)
олган суратлар.

Қадриятлар

«Ўзбектелефильм» студияси томошабинларга бир неча йилдан буён мустақиллик йилларида барпо этилган ва қурилаётган иншоотлар билан бирга, шу кечакундузда таъмирланиб, янги қиёфа ва жозиба касб этиб бораётган муқаддас қадамжолар ҳақида ҳикоя қилувчи телефильмларни тақдим этиб келмоқда. Бу эзгу ишни амалга ошираётган ижодкорлар орасида ўз касбининг устаси Абдулҳаким Қориев ҳам бор. Унинг ижодий саъй-ҳаракати билан кейинги йиллар ичида «Лангар ота», «Сўфи Оллоёр», «Абу Убайда ибн ал-Жаррох», «Зайниддин бобо», «Ҳазрати Имом» каби юксак савиядаги телефильмлар яратилди.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР ТАЛҚИНИ

Тошкент шаҳрининг «Тупроққўрғон» деган қадимий маҳалласидан бир кўча нарида «Лангар» номли маҳалла бўларди. Теварак-атрофда нафақат денгиз, ҳатто кўл ҳам бўлмагани боис биз болалик йилларимизда шу маҳалланинг бундай ном билан аталганининг сабабини билмай ҳайрон бўлардик. Мустақиллик йилларига келиб Лангар ота мусулмон оламидаги машҳур сиймолардан бири экани ва мамлакатимиз шаҳарларидаги қатор кўчалар унинг номи билан аталгани маълум бўлди. Худди, шунингдек, XV-XVI асрларга мансуб Лангар ота меъморий обидасининг мавжудлиги ва бу обида шўролар даврида бошқа юзлаб тарихий ёдгорликлар қатори бузиб ташлганидан хабар топдик.

Авваллари тенгдошларим билан Шайх Зайниддин бува, Ҳазрати Имом мақбараларини кўп зиёрат қилар ва уларнинг йилдан-йилга нураб-тўкилиб бораётганини кўриб, ачинар эдик. Ўша пайтларда бу меъморий ёдгорликлар халқнинг маданий бойлиги ва уларни асраш лозимлиги ҳақида ҳеч ким лом-лим демаган. Мустақиллик йилларидагина тарихий обидаларга қайта ҳаёт бағишланди. Режиссёр-оператор Абдулҳаким Қориевнинг юқорида номлари тилга олинган телефильмларида ана шундай эзгу ишлар муҳрланган.

Абдулҳаким Қориев тажрибали режиссёр ва оператор сифатида «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Алпомиш», «Кошона», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Чингиз Аҳмаров», «Таваккал Қодиров», «Рўзи Чориев» сингари 30 га яқин телефильмларни суратга олди. Юқорида таъриф ва тавсиф этилган телеасарлар эса унинг ижодида янги давр бошланганидан дарак беради. Бу даврни ижодий камолот даври, деб атасак янглишмаган бўламиз.

Наим КАРИМОВ

Хабарингиз борми?

«TUBORG» ЎЗБЕКИСТОНДА!

«Sarbast Plus» қўшма корхонаси янги «Tuborg Green R» пивосини ишлаб чиқара бошлади. Бу завод қувватларида тайёрланадиган биринчи халқаро савдо белгисидир. Айтиш керакки, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида машҳур мазкур маҳсулот бугунги кунда миллионлаб кишиларнинг ёқимли ичимлигига айланган. Зеро у нозик, бетакрор ва енгил таъмга эгалиги, шунингдек, янги ранг-қиёфаси билан ажралиб туради. «Tuborg» илк бор 1873 йилда Данияда пайдо бўлган, эндиликда 25 та мамлакатда ишлаб чиқарилаяпти ва дунё бўйлаб сотилмоқда.

«Sarbast Plus» қўшма корхонасининг маркетинг бўйича директори Андерс Лассеннинг таъкидлашича, пиво таркибидаги ичимлик ва алкоголь уйғунлиги чанқоқни тез босади. Чиройли шиша идишдан ташқари, махсус пластик ҳалқа ва оригинал қопқоққа эга.

Халқаро савдо белгисини мамлакат ички бозорига киритиш — «Sarbast Plus»нинг импорт ўрнини босиш йўлида амалга оширилган тадбирлар натижасидир. Боз устига бу қаҳрабо ичимликни хуш кўрувчи маҳаллий истеъмолчилар учун ҳақиқий халқаро бренддан лаззат олиш имконини беради.

Дарвоқе, «Sarbast Plus» ҚКси Данияннинг «Carlsberg» пиво ишлаб чиқариш компанияси гуруҳига киради. Мамлакатимизда ушбу лойиҳа сармоясининг умумий ҳажми 60 млн. евродан зиёд маблағни ташкил этади.

Алишер РЎЗИЕВ

Футбол

«ҚУРУВЧИ» ЭНДИ «БУНЁДКОР» НОМИ ОСТИДА МАЙДОНГА ТУШАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финал баҳсининг жавоб учрашувлари ўтказилди. Унда кутилганидек, «Пахтакор» футболчилари «Нефтчи» жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратган бўлса, чемпионат пешқадами «Қурувчи» вакиллари Олмаликнинг ОТМК аъзоларини катта устунлик билан енгди.

Пахтакорчилар Фарғонада ўтган ўйинда рақиблари дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллашганди. Жавоб учрашувида Юрий Саркисян шогирдлари ўз дарвозаларидан уч маротаба тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди — 3:0. Икки ўйин натижасига кўра, «Пахтакор» футболчилари «Қурувчи» — ОТМК жамоалари учрашуви ғолибига қарши финалда тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ярим финалнинг Олмаликда ўтказилган иккинчи ўйинида Игор Шквирин шогирдлари «Қурувчи» футболчиларига 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйишганди. Тошкентда ўтган жавоб ўйинида эса мезбонлар 4:0 ҳисобида ишончли ғалаба қозонишди ва финалга йўлланма олдилар. Дарвоқе, МҲСК стадионида ўтказилган мазкур учрашув охирида ўйингоҳ суҳандони бир янгиликни эълон қилди. Унга кўра, бундан буён «Қурувчи» жамоаси футболчилари энди «Бунёдкор» номи остида майдонга тушадиган бўлишди.

Нигора НОДИРОВА

ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ

Жиззах шаҳрида «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 13 нафар маслаҳатчининг билим ва малакаси синовдан ўтказилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишларни яхшилаш кўп жиҳатдан маслаҳатчиларнинг маҳорати, ташаббускорлиги ва тажрибасига боғлиқ. Бу галги танлов маҳалла ишини яхшилашда маслаҳатчилар мавқеи аввалги йилларга қараганда анча ошганини кўрсатди. Ғолибликка даъвогарлар ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганини намойиш этди.

Танлов якунида Жиззах шаҳридаги Оққўрғон маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўғилой Каримова биринчи ўринни эгаллади.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚЎҚОН ШАҲАР МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
«Фарғона вилояти мудофаа ишлари Қўқон бўлимининг биноларини капитал таъмирлаш» ҚМИ
Муддати — 11 ой.
Буюртмачи: *Қўқон шаҳар мудофаа ишлари бўйича бўлими*
Манзили: Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 54-уй телефон/факс: 552-31-84
Қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

миллий валютадаги «Ёзги» омонатига пул маблағларини қабул қилиш 2008 йил 1 сентябргача, «Баҳорги» омонатига 2008 йил 1 октябргача, «Кўклам» омонатига 2008 йил 1 декабргача тикланганлигини маълум қилади.

Омонатлар бўйича сақлаш муддати тегишлича 45 кун, 3 ва 6 ой.

Фоиз ставкалари йиллик 17 ва 18 фоиз.

Биз ўз жамғармаларини бошқаришни бизга ишонганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул ҳисоблаймиз!

Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг ҳар қандай филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

Ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган ким ошди савдоларига **шу йилнинг 5 сентябрида**н **Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зиё-Саид кўчаси, 2-А уйда жойлашган «Toshkent-To`ytepa-Tekstil»** масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги 1994 йилда ишлаб чиқарилган, **давлат рақами** 10 AQ 265 бўлган **«КамАЗ-53212»** русумли автотранспорт воситаси 40 000 000 сўм бошланғич баҳо билан аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини **«POYTAXT AUKSION»** давлат унитар корхонасининг **АТИБ «Ипотека-банки»** Шайхонтоҳур филиалидаги **ФА** 00425, **СТИР** 204399967, 20210000004243151002 **ҳисоб рақами**га тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

Тошкент давлат Жисмоний тарбия институти профессори Муроджон Тўйчибоевга укаси **Гаффоржон ТЎЙЧИБОЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан бир гуруҳ дўстлари чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda